

9-10-2020

## AMIR TEMUR AND INTERVIEW ON THE PHILOSOPHY OF THE TEMURA PERIOD

Xakim Alikulov

*Samarkand State Institute of Architecture and Construction Associate Professor, Department of Social Sciences, Candidate of Philosophy*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Alikulov, Xakim (2020) "AMIR TEMUR AND INTERVIEW ON THE PHILOSOPHY OF THE TEMURA PERIOD," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 32.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## AMIR TEMUR AND INTERVIEW ON THE PHILOSOPHY OF THE TEMURA PERIOD

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ФАЛСАФАСИ ҲАҚИДА МУШОҲАДА

Ҳаким Алиқулов

Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институти Ижтимоий фанлар  
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

(Tel:+99891 538-77-39)

*Аннотация:* Мақолада Амир Темур ва темурийлар даври фалсафасига хос маънавий меросимизнинг бугунги кунда миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизларидан бири эканлиги, ўша даврда яшаб ижод қилган Саъдиддин Тафтазоний ҳамда Мир Сайид Шариф Журжонийларнинг фалсафий қарашларининг илм-фан ривожигаги ўрни масалалари таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* Эътиқод, таназзул, озодлик, маънавий уйғониш жараёни, Амир Темур, “Темур тузуклари”, Тафтазоний, Журжоний, фалсафий-илмий дунёқараш, ҳурфикрлилик тараққиёти.

## АМИР ТЕМУР И ИНТЕРВЬЮ ПО ФИЛОСОФИИ ТЕМУРСКОГО ПЕРИОДА

Ҳаким Алиқулов

Самарқандский государственный институт архитектуры и строительства доцент  
кафедры общественных наук, кандидат философских наук

*Аннотирование:* В статье анализируется роль философских взглядов Амира Темура и философов Темуридов в развитии науки как одной из философских основ национального самосознания и идеологии независимости.

*Ключевые слова:* Вера, упадок, свобода, процесс духовного пробуждения, развитие Амира Темура, «Правила Темура», Тафтазани, Джурджани, философское и научное мировоззрение.

## AMIR TEMUR AND INTERVIEW ON THE PHILOSOPHY OF THE TEMURA PERIOD

Hakim Alikulov

Samarkand State Institute of Architecture and Construction  
Associate Professor, Department of Social Sciences, Candidate of Philosophy

*Annotation:* The article analyzes the role of the philosophical views of Amir Temur and the philosophers of the Temurids in the development of science as one of the philosophical foundations of national identity and the ideology of independence.

*Key words:* Faith, decline, freedom, the process of spiritual awakening, the development of Amir Temur, the “Timur’s rules”, Taftazani, Giurjani, philosophical and scientific worldview.

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга

эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши мамлакатни горат қилди, ҳамма соҳада таназзул рўй берди. Мўғуллар тузумига қарши Амир Темур дунёга келган даврида ерли аҳоли ўртасида чуқур ижтимоий ва маънавий уйғониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, "Тарихи, ўша даврдаёқ, минг йилликлар қаърига кетган буюк халқ мустамлакачилик азобида ётаверадими?" ёки "Мустақиллик учун кураш олиб боришда давом этади ва озодликка эришадими?"[1.] - деган савол кун тартибидан жой олган эди.

Темур ва темурийлар даври, мўғул босқинидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юқори чўққига кўтарилган давридир. Бу давр фалсафаси - халқимизнинг Соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришиши ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодаси, марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчиликни тиклаш орзуларининг ушалган давридир.

Амир Темур ва темурийлар даври фалсафаси ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафқурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Биз юқорида айтилган фикр нуқтаи-назардан темурийлар даври фалсафий маданиятининг айрим томонларига эътибор берамиз. Албатта, миллат ва халқнинг фалсафий тафаккур маданияти деган иборалар ҳам тарихан мавжуд бўлиш хусусиятига эга. Туркий халқларнинг, хусусан ўзбекларнинг темурийлар давридаги фалсафий тафаккур маданиятига етарлича баҳо берилган эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, оламни изоҳлаш ва фалсафий билиш маданияти бирор сиёсий фирқа ёки манфатдор уюшманинг, гуруҳнинг ҳал қилувчи, белгиловчи таъсирида бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда фалсафий маданият қонунлари бузилади, чиқарилган хулосалар бир томонлама бўлиб қолади. Бу ҳолат инкор этилиши фалсафий маданият ва заруриятни инкор этилиши билан бир нарсадир[2. Б.180-181.].

Маълумки, Амир Темурнинг ҳаёти, темурийлар даврида илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси каби масалалар эса бир неча тарихий-фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ. Қолаверса, "Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва адабиётни нозиктаъб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулоларни жаҳон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган бирор темурийзода бўлмаса керак. Темур ва унинг авлодларидан 22 та ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шъер ёзиш билан бирга ижодкорларга ҳомийлик ҳам қилганлар"[3.].

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, юрт бошлиқлари фан ва маданиятга қизиққан, маънавиятни юксакликка кўтариш учун курашган ўлкада барча соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади.

Ўйлаб кўрайлик, агар Амир Темурда фалсафий тасаввур, тушунча, маънавиятни англаш, илми, китобни, шеърятни ҳис этишга оид чуқур билимга

эга бўлмаганда эди худди Чингизхон ва унинг авлодлари сингари, китобларни ёкиб фалсафа ёки фаннинг бошқа соҳаларини ҳам англамасдан ўтиб кетиши мумкин эди-ку?

Яна бир масала: умуман салтанат ва сулола асосчисининг ёзиб қолдирган васиятлари ва дастур-ул-амалини махфий сақлаш одати туркий халқларнинг ҳукмдорлари орасида қадимдан мавжуд бўлган.

Бундай анъана Ғарбда ҳам ўзига хос шаклда мавжуд бўлганини македониялик Александр ва унинг устози Аристотель орасида бўлиб ўтган ёзишмадан билиш мумкин. Халқ орасида машҳур бўлган Аристотель ҳарбий санъат сирлари ва давлатчиликка оид билимларини кўпчилик орасида ҳам ёймоқчи бўлганида Александр унга шундай эътироз билдиради: "Бизга берган сабоқларингизни кўпчилик орасида эълон қилишингиз тўғри эмас. Бизга берган билим ва тарбиянгизни бошқаларга ҳам берсангиз, бизнинг улардан нима фарқимиз қолади? Ҳолбуки, мен сиздан олган олий тарбия ва билимим билан қўл остимдаги одамлардан устун бўлишни истайман"[4.-Б.32.].

Амир Темури ҳам, худди аллома Аристотель каби ёш авлодга берган бебаҳо таълим ва тарбиядан бегона кучлар ғаразли мақсадларда фойдаланмаслиги учун "Темури тузуқлари"ни узоқ вақт махфий сақланган. Амир Темури давридан бошланган одатга биноан Бобурийлар ҳам "Темури тузуқлари"ни махфий сақлайдилар ва фақат шаҳзодаларга ўқишга берадилар. Шу сабабдан то XVII асрнинг бошларигача тарихий манбаларда "Темури тузуқлари" ҳақида маълумотлар учрамайди. Бобури Мирзонинг ўғли Ҳумоюнга ёзиб қолдирган васиятномаси ҳам унинг авлодлари томонидан сир тутилган. Шу далилдан келиб чиқиб, фараз қилиш жоизки, Шоҳ Жаҳон "Темури тузуқлари"нинг аслияти билан бирга форсий таржимасини ҳам ўз авлодлари учун махфий сақлаган.

Кўриниб турибдики, "Темури тузуқлари"- бобурийлар салтанатида ҳам давлат сирларидан бири ҳисобланган. Бу сирлар рақиблар ихтиёрига ўтса, улардан бобурийларнинг ўзларига қарши курашда фойдаланишлари мумкинлиги ҳисобга олинган.

Шу ўринда, Амир Темурининг кучли фалсафий тафаккур соҳиби бўлиб, эл-юрт тақдири ҳақида ёниб яшаганлигини инглиз темуршунос олимаси Ҳильда Ҳукҳэмнинг "Етти иқлим султони" асарида қуйидагича келтиради: "Темури бу ерда курраи замин айланаси-етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурининг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади".[4.-Б.4.]

Амир Темури жамиятда кишилар иймон, эътиқодсиз яшаши мумкин эмаслигини жуда теран ва тўғри тушунади. Шу сабабли у одамларга дин, иймон, ишонч ва эътиқод кераклигини ҳар доим таъкидлайди. У ўзининг «Тузуқлари»да: «ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим» [5.-Б.111.] -деб ёзади.

Соҳибқирон ўз эътиқодига содиқ қолиш баробарида, давлатида ислом динининг жуда кўп нарсаларни таъқиқлаб, инсон эркини чегаралаб қўйгудек даражада хурофот билан алмашинишига йўл қўймади. У умрининг охириги дамларигача комил мусулмонликка интилгани ҳолда, ҳеч бир мутаассиб дин пешвосига давлат ишларига араланиш ёки бирор масалада ҳал қилувчи овозга эга

бўлиш ҳуқуқини бермади, давлат тизгинини оқил ва доно йўлбошчи сифатида ўз қўлида тутди. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да ҳам шундай сатрлар бор: «...бутун мамлакатда буйруқ, фармон бериш ишлари подшоҳнинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда подшоҳ ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин»[5.-Б.111].

Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқандда фалсафа ва мантиқ илмлари билан шуғулланган йирик олимларни ҳам Самарқандда тўплаган натижада бу соҳаларга оид махсус рисолалар ҳам яратилади. Бунга мисол қилиб, ўша даврнинг етук файласуф олимлари Саъдиддин Тафтазоний ва Мир Саид Журжоний яратган асарларни кўрсатиш мумкин. Ёки Мирзо Улугбек асос солган фалаккиёт мактаби вакиллари: Мансур Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Гиёсиддин Жамшид ва бошқалар эса табиатшуносликнинг фалсафий масалаларига оид ўзларининг қимматли фикрларини илгари суришади.

Айниқса, темурийлар даврда аллома Саъдиддин Тафтазоний фалсафий қарашлари диққатга сазовордир. Унинг фалсафий масалалардан бири бу инсонга хос қазо ва қадр ҳамда идора эркинлиги масалаларидир. У ўзининг «Таҳзиб ал-мантиқ ва ал-Калом» асарида инсоннинг ҳулқ атворидаги ирода эркинлиги масаласига кенг тўхталлади. Тафтазонийнинг фикрича, “Худо ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади: биринчиси шарафли ҳайрли ва макруҳ ишларни қилиш; иккинчиси-номутлуб ишлар қилиб, гуноҳга ботиш ва қилган гуноҳлари учун жазо тортиш. Бунда қайси йўлни ташлаш эса инсоннинг ўз иродасига боғлиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, Худо томонидан инсонларга кўпроқ яхши, ҳайрли, матлуб ишларни қилиш юборилади. Ёмон ҳулқ-атвор, номатлуб ишлар «инсонга уни синаш учун буюрилади. Ёмон ҳулқ-атворли кишилар, ўз ёмонликларидан қайтмаса, Худо уларни жазолайди. Бу жазодан қўрққан кишилар ўзларининг ёмон ҳулқ-атворларидан воз кечиши, қутулишлари лозим. Бу эса яна уларнинг иродаларига боғлиқдир”.[6.-Б.49-50]

Тафтазоний ўз билиш назариясида Ибн Сино (Ибн Сино нарса ва ҳодисалар ҳақидаги ҳосил қилинган маълумотларни билим, деб ҳисоблайди)дан фарқ қилиб, уларни инсоннинг ҳис-туйғу ва билимлар ўртасидаги восита бўлувчи босқич, деб тушунади. Унинг қарашича, “инсон билиш жараёни уч шартни тақозо этади:

1. Ҳис-туйғу аъзолари ва ашёлар тўртасидаги ўзаро таъсир.
2. Бу таъсирниин сон руҳияти томонидан қабул қилиниши
- 3.Ақлий билиш. [6. -Б.50]

Умуман олганда, Саъдиддин Тафтазонийнинг фалсафий қарашлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўрта аср ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутган қадимги юнон файласуфлари фикрлари билан ҳам оҳанглигини кўрсатади. Аммо, Тафтазоний антик давр фалсафий қарашлари билан чекланиб қолмай, ўз қарашларини Шарқ Уйғониш даври юксалишларидан туриб ривожлантиради, уларни янги гоёлар билан бойитади. Саъдиддин Тафтазонийнинг фалсафий қарашлари ўз илмий қимматини ҳозир ҳам йўқотган эмас. Лекин, унинг мероси бизда етарли даражада ўрганилмаган, уни чуқур илмий ўрганиш фалсафий тафаккуримизни янада бойитишга олиб келади.

Амир Темур ва темурийлар даври фалсафий қарашларини ўрганишда эътиборга лойиқ мутафаккирларнинг яна бири Мир Сайид Шариф Журжоний (1339-1413) ҳисобланади. Журжоний ислом фалсафаси бўлган калом, мантиқ, табиатшуносликка доир барча билим соҳаларини қунт билан ўрганиб, кейинчалик уларнинг ҳар бирига оид катта илмий асарлар ёзиб қолдиради.

Журжоний 1387 йили Амир Темур томонидан Шероз фатҳ этилиши билан у ердаги бир қанча олимлар қаторида Самарқандга таклиф этилади ва бу ерда 20 йил самарали ижод қилиб, Соҳибқирон вафотидан кейин яна Шерозга қайтиб келиб, 1413 йилда вафот этади. Журжонийнинг бизгача «Борлиқ ҳақида рисола» ва беш бобдан иборат бўлган «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» деб номланган фалсафий асарлари етиб келган. Журжонийнинг фалсафий қарашлари, ўзидан олдин ўтган салафлариникида бўлганидек, ўрта асрларга хос бутун фалсафий масалаларни, чунончи: борлиқ ҳақидаги таълимотни, коинот жумбоқларини, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли табиатнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари ва шулар каби масалаларни ўз ичига олади.

Журжоний, "...борлиқдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди, деб таъкидлайди.[6.-Б.50] Унингча, ҳамма мавжуд нарсалардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради. У бутун борлиқни бирбирига қонуний равишда боғланган бўлақлардан иборат ягона бир бутунни ташкил этган бутунлик сифатида таърифлайди. Моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур: олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. У турли кўринишдан иборат бошқа жисмлар, яъни металллар, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса, юқорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари билан қўшилишининг (натижаси) ҳосиласи сифатида келиб чиққандир, дейди. Тўрт унсур эса, доимо ҳаракатда, ўзгарувчан бўлиб, бири иккисига айланиб қолиши мумкин. Масалан, ҳаво, сувга, сув тупроққа ва ҳоказо.

Шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантиқий қарашлари илм-фан ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди. Олимларининг фалсафий қарашлари файласуфларимиз томонидан етарли даражада ўрганилган эмас. Унинг фалсафий асарлари ўзбек тилига таржима ҳам қилинмаган. Агар бу ишлар амалга оширилса, бизнинг фалсафий тафаккур тарихимиз янада бойиган бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон ҳукмронликлари даврида Марказий Осиёда илм-фан равнақи, ҳурфикрлик тараққиёти учун энг қулай замин яратилган эканки, шу заминга қадалган барча яхшилик уруғлари баравж ҳосилга кирди. Соҳибқироннинг фаол ҳаётсевар ва фуқаропарвар, маърифатпеша ва адолатпарвар сиёсати жамият кишиларини, шу жумладан узлатга чекинган сўфийларни ҳам тўлақонли ва серзавқ ҳаёт кечиришга илҳомлантирди, энг муҳими, ҳалол меҳнат туфайли фоний дунёда ҳам саодатга эришиш мумкин эканлигига ишонч уйғота олди. Амир Темур балки ўзи ҳам кутмаган бир равишда она юртида чўнг маданий ва маърифий юксалиш, буюк тараққиёт билан бир қаторда нақшбандия сингари оламшумул фалсафий-илмий дунёқарашнинг шаклланишига сабабчи бўлди, темурийзода подшоҳлар эса, унинг тараққийпарвар фаолияти ва амалий равнақига ҳисса қўшди. Амир Темур ўзининг шарқона, исломий фазилати,



буюк Турон элларига хос бўлган беқиёс ҳислати ва мардлик, баҳодирлиги билан қадим Турон юртини жаҳонга кўз-кўз қила олди.

Муҳтасар сўз, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Биз- ким, мулки Турон...» дея фахрланиши замирида жуда катта фалсафий ҳикмат ва ҳақиқат ётар эканки, биз ва авлодларимиз ҳали асрлар давомида бу фалсафий ҳикматлар маҳзанини очаверишга бурчлидирмиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <http://www.faylasuf.uz/index.php/sharq-garb/uzbek/930-temurijlar-davri-falsafasi/?fbclid=IwAR1Hw2VVunWnPy8maoGGsv6CSUk84C1XgXdrxT-dx5Hi4EJ-dUxi5N8xHnk>
2. Ҳаққулов Н.Қ. Талаба-ёшларнинг фалсафий тафаккур маданиятини ўстиришнинг айрим масалалари. // “XXI –аср интеллектуал авлод асри” шиори остидаги Самарқанд ҳудудий илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, СамИСИ. 2015 йил, 3-4 июнь.
3. Азамат Зиё. Миллий тузугимиз.//«Фидокор» газетаси 2004 йил, 24 август
4. Ҳильда Ҳукхэм. Етти иқлим султони. -Тошкент: Адолат, 1999, 4-бет.
5. Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2011.
6. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат.-Тошкент: 1996.

### **ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КОНСТРУКТИВ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

Самарқанд давлат университети  
фалсафа кафедраси доценти  
(PhD) Султанова Гулноза Сабировна  
Тел: +998915278756  
e- mail: sgulnoza33@mail.ru

*Аннотация:* Ушбу мақолада илмий тафаккур тарзида конструктив трансформация муаммоси тизимли, фалсафий-рефлексив тадқиқ қилинган. Мақолада консруктивизм тушунчасининг генезиси, эпистемологияси, тармоқлашуви ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* консруктивизм, илмий тафаккур тарзи, трансформация, инновацион фаолият, конструктивлик, янгиланиш ва анъанавийлик, тафаккур тарзи.

### **КОНСТРУКТИВНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ СТИЛЯ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ**

Султанова Гулноза Сабировна  
Самаркандский государственный университет  
Доцент кафедры философии, (PhD)

*Аннотация:* В данной статье проведено системное, философско-рефлексивное исследование проблемы конструктивной трансформации стиля научной мысли. В статье анализируется генезис, эпистемология, сетевое и социальное значение понятия консруктивизма.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М .....	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш .....	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И .....	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ .....	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С .....	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С .....	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж .....	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П .....	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И .....	215
<b>ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>		
<b>10.00.00</b>		
<b>ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>		
<b>PHILOLOGICAL SCIENCES</b>		
38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А .....	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А .....	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А .....	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А .....	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р .....	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н .....	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О .....	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U .....	263